

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н. Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2013 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра муdiri _____
доцент О.ШЕРМАТОВ
« ____ » _____ 2013 йил

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
ПАТТАХОНОВ ИНОБИДДИНнинг

БИТИРУВ -
МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер
хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш**

БМИ рахбари: _____ и.ф.н. НОСИРОВ Б.З.
Бажарувчи: _____ ПАТТАХОНОВ И.

ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудири
Носиров Б. _____
«_____» _____ 2012 й.

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Паттахонов Инобиддинга битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2012 йил 26 сентябрдаги №207-Ст (А) буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** *Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш.*
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** 30 м а й 2013 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** *БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.*
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** *Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг 2010-2012 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.*
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** *Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.*

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	21.12.2012	
<i>Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	30.01.2012	
<i>Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини баҳолаш усуллари</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	27.02.2012	
<i>Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	31.03.2012	
<i>Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлиги тахлили.</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	30.04.2012	
<i>Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	20.05.2012	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	25.05.2012	
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>и.ф.н.</i> Носиров Б.З.	26.05.2012	

Топширик берилган вақти:
БМИ рахбари:
Битирувчи:

6 декабрь 2012 йил
и.ф.н. Носиров Б.
Паттахонов И.

М у н д а р и ж а

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	<i>4</i>
<i>1</i>	<i>Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари</i>	<i>9</i>
<i>2</i>	<i>Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини баҳолаш усуллари</i>	<i>16</i>
<i>3</i>	<i>Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.</i>	<i>22</i>
<i>4</i>	<i>Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлиги тахлили.</i>	<i>33</i>
<i>5</i>	<i>Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари</i>	<i>44</i>
	<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>56</i>
	<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>59</i>

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини хом-ашё билан таъминлаш ҳамда мамлакат валюта тушумини кўпайтириш манбаи, кўплаб ёлланма ишчилар – меҳнат ресурслари учун даромад манбаи, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун потенциал бозор сифатида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан зиёд қисми қишлоқ ҳудудларида яшашини ҳисобга олсак, қишлоқ хўжалигида иш билан банд аҳоли учун меҳнат шароитлари, иш хақи ва меҳнат унумдорлигини яхшилаш асосий масалалардан биридир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар ўзининг сезиларли натижаларини бериб, 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 81,3% қисми нодавлат секторига тўғри келмоқда. Шунга мос ҳолда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 79,1% қисми нодавлат секторида меҳнат қилмоқдалар. Фермер хўжаликларида бевосита 1,9 млн кишидан зиёд меҳнат ресурслари ишламоқдалар (www.stat.uz).

Маълумки, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар тармоқда хусусий мулкдорлар бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини мақбуллаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Пахта экин майдонларини қисқариши, нисбатан кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият юритиши шароитида меҳнат унумдорлигини таъминлаш ва фермер хўжаликлари самарадорлигини ошириш зарурияти, бу масалани бозор талабларига мос ҳолда ҳал этилишини тақозо этади.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб

чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан яратиб берилган бозор ислоҳотларига ўтишнинг тамойиллари асосида қишлоқ хўжалиги ривожланишида туб бурилиш ясалди. Ислоҳотларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устувор йўналиш қилиб шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш белгиланган эди. Натижада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришилди.

Аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар тармоқда хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини мақбуллаштириш асосида уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, қайта ишлаш натижасида олинаётган бирламчи маҳсулот сифатини кескин ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш орқали меҳнат унумдорлигини ва демак

иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган. Ислохотларнинг учинчи босқичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг халқаро андозалар ва халқимиз менталитетига мос келадиган фермер ва деҳқон хўжаликларидан иборат модели танланди.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шаклларининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, тако-миллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқ-ларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллари аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллари асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Республикамиз эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши таъминланаётган йилларда мамлакат аҳолисининг ўртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3 фоизга ўсмоқда. Шу билан бирга саноат корхоналари сони ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси субъектлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Меҳнат – бу инсонинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Меҳнат жараёни, инсонинг иш жойида, унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатларининг тўпламини билдиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи умумиқтисодий муаммо сифатида илмий изланувчилар ва амалиётчилар томонидан ўрганиб келинган. Бирок, мазкур изланишларнинг аксарияти иқтисодиёт субъектларининг ҳукукий–иқтисодий мустақиллиги таъминланмаган шароитда олиб борилган бўлиб, бу борадаги илмий ва амалий таклифларни реал хўжалик юритиш шароитига материаллашуви учун етарли шарт-шароит бўлмаган ёки улар мавжуд сиёсий тизим характерида тўғри келмас эди. Эндиликда эса мавжуд илмий адабиётлардаги турли қарашлар ва концепцияларни ўрганиш асосида бозор иқтисодиёти шароитида рўёбга чиқиши мумкин бўлган янги изланишларни, қарашлар ва мулоҳазаларни илгари суриш заруриятга айланди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамиятини асослаш ва Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигининг тутган ўрни ва аҳамиятини асослаш.

2. Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида меҳнат унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

3. Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат

ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омилларини таҳлил қилиб бу бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида бирлдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр-мулоҳазалардан бундан ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби асосланган. Асосий қисм 5 та саволдан иборат бўлиб, уларда ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи, меҳнат унумдорлигини оширишнинг илмий назарий асослари келтирилиб, Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда И.А.Каримов асарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган.

Битирув малакавий иши 62 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 11 та жадваллардан ва 3 та чизмадан фойдаланилди.

1. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади». Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади.

Иқтисодчилар меҳнатни кишилиқ ҳаётининг асосий шарти эканлигини ва инсоннинг ўзининг ҳам камолотга етишуви меҳнат орқали амалга ошганлигини айтиб ўтган. Меҳнат – бу инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда инсон, меҳнат курулларида фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради. Меҳнат жараёни, инсоннинг иш жойида, унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатларининг тўпламини билдиради. Бу маънода "меҳнат жараёни" тушунчаси, "ишлаб чиқариш жараёни" тушунчасига нисбатан анча тор тушунчадир. Ишлаб чиқариш жараёни ҳар бири маълум бир босқични ва тайёр маҳсулот олишни акс эттирувчи, бир бутун меҳнат жараёнлари комплекси базасида амалга оширилади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёни, инсон меҳнати иштирокисиз ҳам, табиий омиллар таъсири остида содир бўлади. Меҳнат жараёни, маълумки ўз ичига уч элементни: меҳнат воситаси, меҳнат предметлари ва бевосита инсон меҳнатининг ўзини олади. Ишлаб чиқариш воситаларисиз меҳнат жараёни

маъносиз бўлади, ўз навбатида инсон меҳнатисиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам ўликдир ва ҳеч нарса ярата олмайди. Кишилар меҳнати ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракат қилишга ва инсоннинг мақсадини амалга оширишга бирга ҳаракат қилишга мажбур қилади. Меҳнат воситалари ва меҳнат предметларини ярата бориб ва табиатга таъсир этиб, инсон, ўзини ҳам ўзгартиради, унинг малакаси, билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси ошади. Жамият ривожланиши билан меҳнат воситалари такомиллаша боради, ишлаб чиқариш жараёнига янги-янги иқтисодий ресурслар жалб қилинади. Фан ва техника ўз ривожланишида қанчалик илгарилаб кетмасин, меҳнат жараёнида меҳнат ўзининг етакчилиқ, ҳал қилувчи ролини йўқотмайди. Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш шунга йўналтирилганки, бунда ҳар бир ходимдан, меҳнатга худди ёлланма кунбай ишчидек бефарқ ва маъсулиятсиз эмас, балки пироворд натижага жавобгарлигини сезган ҳолда ёндошиш, муносабатда бўлишни талаб этилади. Охир оқибат бу меҳнатдан узоқлашиш деган ғовни олиб ташлайди. Хўжайин ва ёлланма ходим ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат: биринчидан, хўжайин ишлаб чиқариш воситаларига ва мос равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳам мулкдор ва хўжайиндир. Ёлланма ходимда эса бу мулк йўқ; иккинчидан, хўжайиннинг даромадлари (меҳнат ҳақи) пироворд натижаларга боғлиқ ҳолда ва қолдиқ принципи бўйича шаклланади, бошқача сўз билан айтганда, сотилган маҳсулот қийматидан моддий ва бошқа сарф-тўловлар, солиқлар ва бошқалар ажратиб ташлангандан кейинги даромадлардан шаклланади. Даромадларнинг қолган қисмига хўжайин мустақил эгалик қилади. Ёлланма ходим ишда бўлган вақтига ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб иш ҳақи олади, у пироворд натижага боғлиқ эмасдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдориغا, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш

самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркалар -16 дан 60 ёшгача, аёллар -16 дан 54 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига доимий; мавсумий; вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи; ўсмирлар; нафақахўрлар кирадилар.

Шу жумладан:

1. Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;
2. Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;
3. Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.

Корхоналарнинг меҳнат ресурсларидан ташқари баъзи ҳолларда қишлоқ хўжалигида (мавсумий ишларда) меҳнат шартномаси асосида четдан жалб қилинганлар меҳнатида ҳам фойдаланилади, шу жумладан ёлланма ишчилар ҳам. Қишлоқ хўжаликда меҳнат ресурсларининг шаклланиш ва фойдаланишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

1. Биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар - тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун ходимлар меҳнати мазмунининг йўналтирилганлиги. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тирик организмларининг ривожланиши, ўзгаришига, уларнинг табиатини ноорганик элементидан органик моддаларга синтезлашувига боғлиқдир;

2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусан, ернинг умумдорлиги ва об-ҳаво иқлим шароитларига боғлиқ. Чунки иқлим тез ўзгариб турганлиги учун ўсимлик ва ҳайвонотга қулай шароит яратиш лозимдир;

3. Кўп ходимларнинг бир қанча меҳнат вазифаларини бажариши. Бундай аралашининг зарурлиги иш турининг кўплиги ва бажариш муддатининг мавсумийлигидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги ходими алоҳида технологик операцияларни бажаришга ихтисослашган тор малакали

бўлмаслиги керак. Қишлоқ хўжалик ходими маълум турдаги пировард маҳсулот етиштиришга кенг ихтисослашган бўлиши керак;

4.Ишлаб чиқариш жараёнида ер, моллар ва бошқа ресурсларнинг мустақил эмаслиги. Пировард маҳсулот натижасига иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш учун ходимларга умумий ерларни эмас, балки аниқ далаларни, бутун хайвонларни эмас, балки аниқ моллар бош сонини беркитиб қўйиш лозимдир;

5.Меҳнат жараёнларининг ўз-ўзини бошқариши. Биологик ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида, айниқса ўсимликчиликда биологик жараёнда шароитлар тез-тез ўзгариб туради, шунинг учун бу ерда четдан туриб бошқариш имконияти анча чегараланган;

6.Ходимлар даромадининг ўсимликчиликда ва чорвачиликда пировард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги. Бу боғлиқлик меҳнат операцияларини бажариш пайтида ходимдан технологик талабларга риоя қилишда ўзини қаттиқ назорат қилишнинг бевосита шарти бўлиб ҳисобланади;

7.Ходимлар даромадининг фақат ижтимоий хўжаликда эмас, балки шахсий деҳқон хўжалигида ҳам қўлланилиши. Самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши унинг меҳнат ресурслари билан меъёр бўйича таъминлашишига боғлиқ. Иш кучи билан етарлича таъминланмаслиги ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинмасликка, пировард натижада маҳсулотни етарлича олинмаслигига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан меъёрдан юқори даражада таъминланганлик эса иш кучидан камунум фойдаланишга ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир», деб тушунча берилган. Ҳозирги даврда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик тадбиркорлик вакили ҳисобланади. Чунки 2012 йилнинг охирига битта фермер хўжалигида ўртача 28 та ёлланма

ишчилар сони тўғри келган.

Ўтган йилда амалга оширилган ўзгариш ва ислохотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишига ишончли замин яратди.

Республикада фермерликни ривожлантиришнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий моҳияти қуйидагиларга қаратилган.;

- қишлоқда турли турдаги мулк шакллари ва уларга эгалик қилиш, фойдаланувчи корхоналарни ташкил этиш, юритиш ва ривожлантириш;

- тармоқдаги барча мулкый муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш, модернизациялаштириш ҳамда эркинлаштириш;

- хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларининг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий шароитларни яратиш;

- қишлоқдаги мулкдорлар синфининг мулкый онгини барқарор юксалтириш;

- қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини барпо этиш, тармоқдаги аҳолини иш билан бандлигини юксалтириб, ишсизлар сонини камайтириш;

- аҳолининг ва қайта ишлаш саноати корхоналарини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш;

- аҳолининг даромадини кўтариш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва бошқалар.

Хозирги даврда фермер хўжаликлари томонидан фойдаланилаётган сув ресурслари тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ даражасида, чунки унинг ҳисоб-китоби Республика сув хўжаликлари томонидан тўлиқ ва тўғри йўлга қўйилгани йўқ.

Шундай бўлганлиги муносабати билан фермер хўжаликларида сувдан тўлиқ ва самарали фойдаланишига доимо ҳам эътибор берилаётгани йўқ. Бу суғоришга асосланган деҳқончиликда ниҳоятда муҳим масала. Уни бозор иқтисодиёти шароитларида ҳал этиш учун, энг аввало, фермер хўжаликларининг сув ресурсларига бўлган талабини тўғри аниқлаб, сўнгра

уларни хўжаликларнинг талабини кондирадиган миқдорда ҳамда вақтида етказиб беришни йўлга қўйиш лозим. Шунинг билан биргаликда сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш механизмини асосланган ҳолда қўйиш зарур. Бу масалаларни сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бажариши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда Республикада 886 тага яқин СФУ фаолият кўрсатмоқда. Лекин, улар томонидан барча фермер хўжаликларига тўлиқ хизмат кўрсатилаётгани йўқ. Чунки уларнинг маблағлари ҳамда моддий-техник ресурслари етарли даражада эмас. Шундай экан, эндиликда бу уюшмаларнинг фаолиятларини тўғри ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бериш вақти келди.

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари мавжуд бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида ривожлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5 млн 860,1 минг гектар ер майдони бириктириб берилди ёки бунда битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27,0 гектар ўрнига амалда 56,0 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 92,0 гектар ер майдони узок муддатга ижарага берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши ижроси юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида эса фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми янада

йириклашиб, Андижон вилоятида пахта-ғалла йўналишида ўртача 94 гектаргача етказилди. Кўзланган асосий мақсад, яъни такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш ва техник сервис хизматлари учун сарфланаётган харажатларни тежаш имконияти даражасига келтирилди. Республикада қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 35,1 фоизини (2012 йил) фермер хўжаликлари яратганлар.

Ўтган йилда амалга оширилган бу каби ўзгариш ва ислохотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишига ишончли замин яратди.

2. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини баҳолаш усуллари

Меҳнат – бойлик манбаидир. У инсон фаолиятининг биринчи ва зарур шarti ҳисобланади. Инсон ва жамият тараққиётининг тарихи жараёнида меҳнатнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги оддий ҳақиқатдир. Одамлар атрофдаги табиатни ўзгартирар эканлар, ўзларининг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари таъсирида ўз табиатларини ҳам ўзгартирадилар: билимларини бойитиб, қобилиятларини ривожлантирадилар ва янги кўникмалар ҳосил қиладилар.

Меҳнат – инсоннинг бирон бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятидир. Меҳнат жараёни қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: меҳнат предметлари; меҳнат воситалари; жонли меҳнат сарфлари (Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. -Т.: ТДИУ, 2006)

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини, тайёрланган маҳсулотнинг сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг меҳнат натижаларига боғлиқ. Шунинг учун хўжаликларда ходимларнинг меҳнат фаолиятини энг самарадор қилишни таъминловчи, ходимларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи ташкилий – техникавий шароит яратиш мақсадида меҳнатни ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асослашган меҳнат нормаларини белгилашнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда иш вақтидан самарали фойдаланиши асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятларини қидириб топиш, яъни меҳнатни асосланган тарзда ташкил этиш ва уни таҳлил этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади (Г.Давлатова. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. - Фарғона, 2006).

Меҳнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш инсоннинг ташаббускор ва фаол бўлишини назарда тутди. Унинг қандай яшаши ўзининг янги иқтисодий тизимга сингиб у билан ҳамохонг бўлиб кетиш маҳоратига боғлиқ. Инсоннинг жисмоний имкониятлари ва маълумотлилиқ даражаси, маънавияти қанчалик юқори бўлса, бу нарса шунчалик муваффақиятлироқ кечади.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради (Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2005)

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи меҳнат самарадорлиги ва натижадорлигининг барча жиҳатларини акс эттирмайди, масалан, у меҳнат сифатини ҳисобга олмайди, бундан ташқари, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини ифодаламайди. «Меҳнат унумдорлиги» тушунчасига ўз аҳамияти жиҳатидан яқин, лекин мазмунан янада кенгроқ бўлган тушунча «меҳнат самарадорлиги» тушунчасидир. Меҳнат самарадорлиги энг кам меҳнат харажатлари билан юқори меҳнат натижадорлигига эришиш даражасини ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги меҳнат унумдорлигидан фарқли ўлароқ фақат меҳнатнинг миқдор кўрсаткичларини эмас, шу билан бирга сифат натижаларини ҳам ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг яна бир муҳим устунлиги унда меҳнат ресурсларини тежашнинг акс этишидир (Р.Исматов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. –Наманган, 2005).

Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, иш сифати зарур даражада бўлгани ҳолда меҳнат харажатлари қанчалик кам бўлса, меҳнат самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Фермер учун вақт бирлиги ичида

кандай ишлаб чиқариш даражасига эришилгани эмас, шу билан бирга у кандай меҳнат харажатлари билан таъмин этилгани ҳам муҳимдир. Меҳнат харажатлари ходимлар сони ва меҳнатга тўланган ҳақ харажатлари билан ўлчанади. Униси ҳам, буниси ҳам иш вақти билан ўлчаниши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат самарадорлигини таҳлил қилганда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат харажатлари ҳам, шу билан бирга унинг тузилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳам қараб чиқилади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти айнан шу кўрсаткич миқдorigа боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги бир вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу кўрсаткич натижани ходимларни ўртача сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Ўртача кўрсаткич} = \frac{\text{Ҳамакунли маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми}}{\text{Ходимлар сони}}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики меҳнат унумдорлигига иккита омил таъсир қилади. Уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу ерда қайта ҳисоблаш усулини қўллаган ҳолда аниқлаш йўллари кўрсатилган.

Умуман хулоса қилганда фермер хўжалигидаги ходимларнинг меҳнат унумдорлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига бориб тақалади.

Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига ҳос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган хулосаларга келиш имкониятини беради. Ғаллачилик иқтисодий самарадорлиги натурал, киймат ва тулдирувчи (нисбий) характердаги кўрсаткичлар тизими орқали

аниқланиши тўғрирокдир.

Рентабеллик фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларидан ҳисобланиб, ўзида сарфланган бир сўмлик харажат ҳисобига олинган фойдани ифодалайди. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий хулоса чиқариш асосида тармоқ салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ эканлигини асослайди. Маҳсулот таннархи эса уни ишлаб чиқариш учун кетган пул материал харажатлари ва иш ҳақидан иборатдир. Ҳаражатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Шу жиҳатдан таннарх таркибидаги бу икки нисбат оптималлигини таъминлаш бозор иқтисодиётининг асосий талабидир.

Юқорида кўриб ўтилган кўрсаткичларга моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан баҳо берсак, уларнинг ҳар бири ўзида иқтисодий самарадорликни баъзи бир жиҳатларини акс эттириши билан бир қаторда мавсум якунидаги моддий манфаатдорликни назарда тутди. Аммо, ғалла етиштирувчиларни мавсум давомидаги эҳтиёжларини қондириш ҳам муҳим зарурият ҳисобланади. Бу заруриятни эса натурал ва қиймат кўринишидаги даромадлар ҳал этади. Ғаллачиликда ғалла етиштирувчиларни иш ҳақи билан таъминлаш даражасини ўзида тўлароқ акс эттирувчи кўрсаткич бу бир ишловчи ҳисобига пул даромадларининг миқдори ҳисобланади. Бу кўрсаткич олинган соф фойдани ҳодимлар сонига нисбатини мавсум ойлари бўйича қайта ҳисоби билан асосланади. Бу кўрсаткични ҳисобга олиш биринчидан, меҳнат ресурсларининг кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳолатини аниқлаш ва шу асосда уни яхшилаш чора тадбирларини белгилаш имконини берса, иккинчидан, ишчиларни мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатининг яхшиланишига, учинчидан эса ғалла етиштирувчиларни ижтимоий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш учун замин яратилади.

Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари энг аввало ҳар бир харажат турининг

ҳосилдорликка қай даражада таъсир этишини яхши англаши ва шунга мувофиқ ҳаражатлар сарфини амалга ошириб бориши лозим. Фермер хўжаликларида пахта ва буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ялпи маҳсулот етиштирилган ялпи ҳосилни 1 ц буғдойнинг харид баҳосига кўпайтириш орқали аниқланади. Буғдой харид баҳоси, топшириладиган доннинг синфига ва навига боғлиқ ҳолда табақалашган бўлади. Доннинг харид баҳоси турли йиллардаги жаҳон бозоридаги нархи, инфляция даражаси, жорий йилдаги табиий-иқлим шароитига мос ҳолда сарфланган ўртача ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда давлат тайёрлов ташкилотлари томонидан шакллантирилади. Фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти минг сўм ҳисобида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари аввало асосий ва устама ҳаражатларга, маҳсулот таннархига киритилишига қараб тўғри ва эгри ҳаражатларга, ҳаражатлар таркибига қараб оддий ва комплекс ҳаражатларга, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб доимий ва шартли ўзгарувчи ҳаражатларга бўлиш мумкин. Ушбу барча ҳаражатларни жамлаган ҳолда қиймат кўринишида ҳисобга олиниб, минг сўм ўлчов бирлигида ифодаланади (Б.Салимов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти, Т.:2004).

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш учун қилинаётган барча ҳаражатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисобот объектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра таснифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» да кўрсатилган. Унга кўра ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражатларнинг элементлари:

а) ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари, яъни уруғлик ва кўчат ҳаражатлари, минерал ўғитлар учун ҳаражатлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, иш ва техник сервис хизматлари учун ҳаражатлар, ўз техникаларини таъмирлаш

учун сарфланган ресурслар учун харажатлар ва бошқа моддий харажатларни ўз ичига олади.

б) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

в) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар,

г) асосий фондлар амортизациясига ўтказма

д) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа моддий харажатлар

2. Таннархга киритилмайдиган, бироқ фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр харажатлари, яъни бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари, бошқа операцион харажатлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Бунга фоизлар бўйича тўловлар, мол-мулкни узоқ муддатли лизингга олиш тўловлари, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар киради.

4. Фавқулодда зарарлар – сув тошқини, ёнғин, дўл жала каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар

Фермер хўжалигида ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг ғаллачиликдаги фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ўртача 1 гектар экин майдонида тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи маҳсулот ва даромад ҳам самарадорликни аниқлашга асос бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалигидаги ўртача 1 ҳодим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот ва иш ҳақи хўжаликни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилишда асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, меҳнат харажатлари эвазига яратилган ялпи маҳсулот меҳнат унумдорлиги ва меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини янада яққол намоён этади.

3. Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароити

Мухторали ота фермер хўжалиги Андижон вилояти Балиқчи туманининг Олимбек массивининг Олимбек қишлоқ фуқоролари йиғинида жойлашган. Фермер хўжалиги вилоят марказидан 35 километр, туман марказидан 10 километр узоқликда жойлашган. Пахта тозалаш заводидан 11 километр ва дон маҳсулотларини қабул қилиш корхоналари мос ҳолда 10 километр узоқликда, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан 10 километр ҳамда Ўзкимё ҳудудий ташкилотидан 12 километр шунинг билан биргаликда Пиллакашлик корхонасидан 12 км, нефтбазадан эса 6 км узоқликда жойлашган.

У собиқ Олимбек ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 21 декабрдаги 6-сонли йиғилишининг баённомаси ҳамда Жамоатчилик Кенгаши томонидан ўтказилган танловининг якуний босқичи тўғрисидаги хулосалари асосида туман ҳокимининг 2006 йил 26 декабрдаги 189- сонли қарори билан ҳуқуқий шахс сифатида ташкил топди. У дастлаб 2007 йилда 35 гектар ерга узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида эгалик қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги ПФ-3287 сонли «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган кенг кўламли ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2009 йил ноябр ойида бутун Ўзбекистон бўйича ўтказилганидек, Балиқчи туманида ҳам фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. Ушбу жараёнда Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг кўрсаткичлари ижобий баҳоланиб, унга қўшни бўлган фермер хўжалигининг ерларини қўшиб олиб, 2010 йилдан 68,7 гектарли ер майдонида фаолият кўрсатишни

бошлади.

Фермер хўжалигига ер участкаси 30 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги Гулистон ривож барака сув истеъмолчилари уюшмаси орқали оқова сувларидан суғориб келади.

Фермер хўжалиги шарк томонидан «Олимбеклик Рахмат файзлари» фермер хўжалиги билан, ғарб томонидан «Бал Олимбеклик Якубжон» фермер хўжалиги билан, жануб томонидан «Истикбол» фермер хўжалиги билан, шимол томонидан эса «Ғуломжон ота» фермер хўжалиги билан чегарадош хисобланади.

Мухторжон ерлари фермер хўжалиги Агробанкнинг Балиқчи туманидаги бўлимида ўз хисоб рақамини очган булиб, банк х/р 20208000804562438001, МФО 00056 солиқ тўловчининг ИНН 3020101877 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Фермер хўжалиги деҳқончиликка, хусусан пахта ва ғалла йўналишига ихтисослашган. Ушбу фермер хўжалиги 30 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида булиб ер ости сувларидан 3-4 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шўрланмаган. Тупроги типик бўз тупрок хисобланиб, нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус миқдори ўртача.

Фермер хўжалиги Олимбек массивидаги илгор хўжаликлардан бири хисобланади. Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг охириги уч йилдаги фаолиятини тахлилини қуйидаги манбалар орқали кўриб чиқамиз.

1-жадвалда Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг узок муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақида маълумот берилган. Мухторжон ерлари фермер хўжалигига ажратилган 68,7 гектарли ер участкаси 6 контурдан иборат. Жумладан 64,2 гектари экин майдони булиб, шундан 41 гектарига пахта, 23,2 гектарига буғдой экилган. Суғориш картасининг ҳажми унда техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий

этиш имкониятларини беради. Сабаби юкоридаги талабларга жавоб бера олиши учун сугориш карталарининг хажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг узунлиги 1000 метрдан кам булмаслиги керак. Бу жихатдан фермер хўжалигида сугориш карталарига куйилган талабларга тула жавоб беради.

Хўжалик ерлари пахта ва буғдой етиштириш учун анча кулай ерлар ҳисобланади. Хўжаликнинг тупроғи оч тусли бўз тупроқ, тупроқдаги фосфор миқдори 32-43 мг/кг, калий 100-188 мг/кг ни ташкил этади ва бу ўртача меъёр ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига органик ўғит солиш меъёри 15-20 тоннани азот 160-200 кг ни фосфор 170-190 кг ни калий 70-95 кг ни ташкил этади.

1-жадвал

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупроқ бонитет баллари тўғрисида маълумот

№	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони га	Ўртача бонитет бали	Карталар сони
	Кадастр гурухлари	Синфлари				
1	1 кадастр гурухи	1 синф 2 синф	0дан 10 гача 11дан 20 гача			
2	2 кадастр гурухи	3 синф 4 синф	21дан 30 гача 31дан 40 гача			
3	3 кадастр гурухи	5 синф 6 синф	41дан 50 гача 51дан 60 гача	68,7	55	5
4	4 кадастр гурухи	7 синф 8 синф	61дан 70гача 71дан 80 гача			
5	5 кадастр гурухи	9 синф 10синф	81дан 90гача 91дан 100 гача			
	Жами			68,7	55	5

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини асословчи балл бонитет кўрсаткичлари ва 3 кадастр гурухининг 6 синфига мансуб бўлиб, ўртача 55 баллни ташкил этади.

2-жадвалда Мухторжон ерлари фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан курииб турибдики, охириги

йилларда фермер хўжалигининг жами экин майдони ҳажми 64,2 гектар ҳолатида ўзгармаган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 41 гектарни эгаллаб, таҳлил даврида ўзгармаган. Буғдой экилган майдонлар ҳам 23,2 гектар ҳолатида мавжуд.

Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 63,9%, галла майдонларининг улуши эса 36,1% ни ташкил этади. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 0,6% га кўпайган, буғдой ҳосилдорлиги 25,2% ортиши таъминланган.

2-жадвал

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигини экин майдонлари ва унинг таркиби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.		2011 й.		2012 й.		2012 й. 2010 й. га нисб, %
			мик- дори	%	мик- дори	%	мик- дори	%	
1.	Жами экин майдони	га	64,2	100	64,2	100	64,2	100	100,0
2	Шундан: -Пахта	га	41	63,9	40	62,3	41	63,9	100,0
	хосилдорлик	ц/га	32,5	х	33,5	х	32,7	х	100,6
3	ялпи хосил	ц	1332,5	х	1340,0	х	1340,7	х	100,6
	-Дон	га	23,2	36,1	24,2	37,7	23,2	36,1	100,0
	хосилдорлик	ц/га	46,1	х	57	х	57,7	х	125,2
	ялпи хосил	ц	1069,5	х	1379,4	х	1338,6	х	125,2
4	Ходимлар сони	нафар	40	100	38	100	41	100	102,5
	Шундан: пахтачиликда	нафар	36	90,0	34	89,5	36	87,8	100,0
	дончиликда	нафар	4	10,0	4	10,5	5	12,2	125,0
5	Ерни бонитет бали	балл	55	х	55	х	55	х	100,0

Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги ўртача булиб, гектарига 32,7 центнерни ташкил этади, галла буйича ҳам яхши курсаткичга эга, яъни 57,7 центнерни ташкил этади. Лекин хўжаликда пахта ва галла ҳосилдорлигини янада кутариш имкониятлари мавжуд. Фермер хўжалигида пахтани Андижон-36 нави, буғдойни эса Крошка нави экилади. Жумладан, хўжаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет бали 55 ни ташкил этиб уни кутариш чора-тадбирларини куриш лозим. Яъни ер

участкасининг мелоратив ҳолатини ошириш мумкин. Ундан ташқари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам бор.

Фермер хўжалигида ҳисобот йилида 41 нафар ходимлар фаолият курсатиб ундан 36 таси пахтачиликда ва 5 таси ғаллачиликда банд.

Асосий воситалар деб ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, кишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

3 -жадвал

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида

1.01.2013 йил ҳолатига мавжуд қишлоқ хўжалиги

техникалари ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот

т\р	Кўрсаткичлар	Ҳисобда бори - жами	Шундан: созлари	Салмо - ғи: %
1.	Тракторлар - жами	2	2	100
	шундан: а) пахта	2	2	100
	б) буғдой			
2.	Юк автомобиллари			
3.	Трактор тиркамалари жами	5	5	100
	Шундан: тарасиз юк ташийдиган тиркама			
4.	Трактор омончлар	1	1	100
5.	Экиш техникаси			
6.	Культиваторлар	2	2	100
7.	Ўғит солиш техникаси			
8.	Сеялка	1	1	100
9.	чизел	1	1	100
10.	Ўзапоя юклагичлар			
11.	Текислагичлар	1	1	100
12.	Ариқ ва канал тозалагичлар	1	1	

Мухторжон ерлари фермер хўжалигини моддий-техника базасини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз. 3- жадвалда Андижон

вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалиги 2010-2011-2012 йиллари Агробанкдан фермер хўжаликларига берилган имкониятлардан фойдаланиб 30000000дан 45000000 гача сўмга лизингга 2 та ТТЗ-80-11, 1 та УХО русумли трактор ва 2 та бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олинган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги техникаларига керакли қишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла таъминланган. Улар жумласига 2 та культиватор, 1 та сеялка, 1 та чизел, 1 та ер текислаш агрегати, 1 та омов, 4 та тиркама, 1 та шарбат ташийдиган махсус бочка ва шу каби бошқа мосламалари бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Мухторжон ерлари фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин.

Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс(харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажатлар) турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Фермер хўжалигининг ривожланиши имкониятлари куп жихатдан унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир. Иқтисодий самарадорликка мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

4- жадвал

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2010 й	2011 й	2012 й	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	64,2	64,2	64,2	100,0
	а) пахта	га	41	40	41	100,0
	б) буғдой	га	23,2	24,2	23,2	100,0
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	84413,4	102630,7	126213,4	149,5
	Шундан иш хаки	м.с	23094,0	27811,9	34910,0	151,2
3	Ходимлар сони	нафар	40	38	41	102,5
4	Ялпи махсулот	м.с	94762,4	116405,9	153662,4	162,2
5	Фойда	м.с	10349,0	13775,2	27449,0	265,2
6	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1476,0	1813,2	2393,5	162,2
	б) фойда	м.с	161,2	214,6	427,6	265,2
7	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	2369,1	3063,3	3747,9	158,2
	б) иш хаки	м.с	577,3	731,9	851,5	147,5
8	Рентабеллик	%	12,3	13,4	21,7	+9,5

Биз ҳам Мухторжон ерлари фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан

фойдаландик. У самарадорликнинг асосий якунловчи иқтисодий курсаткичи бўлиб ҳисобланади. 4-жадвалда Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги кескин яхшиланган. Буни биз самарадорликнинг якунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин.

1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ва фермер фойдаси 162,2 фоизга ҳамда 265,2 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 158,2 фоизга ҳамда иш ҳақи 147,5 фоизга кўтарилган.

Рентабеллик даражаси шу даврда 12,3 фоиздан 21,7 фоизга яъни +9,5 даражага кўпайган. Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Биз ўрганган Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Жумладан Пахта тозалаш заводи билан, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотлари билан биргаликда, Пиллакашлик корхонаси ҳамда , нефтбаза билан 1 йиллик шартномалар имзолаб ўз вақтида бажариб келишмоқда.

Шартномалар ҳар икки томоннинг эркин келишуви асосида тузилиши шарт. Шартномаларни тузишдан олдин томонлар бозорни (маркетинг масалаларини) мукамал ўрганишлари, хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, менежерлар зарур воситаларни қаердан, қачон, қандай баҳоларда, қанча ва қандай усулларда олиш мумкинлигини, шунингдек, ўз

маҳсулотларини фойдаси билан сотиш йўллари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, амалиётдаги қонун ва қоидаларни ҳам мукамал билишлари, улар асосида иш юритишлари керак.

Шартномалар узоқ, қисқа муддатга ва бир марта амалга ошириладиган муносабатлар бўйича тузилиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларини сотиш учун ҳар йили шу маҳсулотларни (пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқ.) сотиб олувчилар билан шартномалар тузадилар.

Шартномалар ҳар бир ҳамкор билан маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар бўйича алоҳида-алоҳида тузилиши лозим. Уларни тузишни осонлаштириш мақсадида Ўзбекистонда намунавий шартномаларнинг бир неча тури мутасадди ташкилотлар томонидан тавсия этилган. Чунончи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоятлардаги, туманлардаги бошқармаларига, туманларга ҳамда давлат хўжаликларига, фермер хўжаликларига ўз иш фаолиятларини юритиш учун ерни узоқ муддатга ижарага бериш; боғ ва токзорларни улар жойлашган ер участкалари билан ижарага бериш бўйича намунавий шартномаларни давлат тилида тақдим этган.

Намунавий шартномаларда томонларнинг вазифалари, бурчлари, мажбуриятлари, барча шартлар аниқ, тўғри, равиш билан ёзилиши талаб этилади. Масалан, давлат талабини қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш бўйича тузиладиган шартномада қуйидаги масалалар аниқ кўрсатилиши лозим. Бу шартнома қишлоқ хўжалиги корхоналари билан пахта заводлари, дон комбинатлари ўртасида тузилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шартномаларни тузишда ҳозир ҳам яққаҳокимлиқ аломатлари мавжуд. Чунки эркин бозорда қайта ишловчи уларнинг рақобатчилари бўлмаганлиги, бўлганда ҳам жуда камлиги сабабли яққаҳокимлиқ улар томонида бўлади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сотилаётган пахтанинг, ғалланинг баҳоси эркин, келишилган ҳолда ўрнатилаётгани йўқ. Бу муаммоларни тўғри ҳал этиш учун

мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Лекин, ҳозирги даврда эркин савдо субъектлари чекланганлиги сабабли қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотларини эркин сотиш имкониятлари жуда тор, яъни эркин рақобатли бозор тўлиқ шаклланиши йўқ. Масалан, корхоналар маҳсулотларининг давлат буюртмаларидан ортиқча қисмини эркин рақобат асосида сотиб оладиган пахта тозалаш заводлари, дон комбинатлари жуда кам. Шунингдек, туманларда сабзавот, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотларини сотиб олувчи корхоналар ҳам чекланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга олиб чиқиб сотиш учун талайгина муаммолар ҳал этилиши талаб қилинади. Уларни ҳал этиш учун барча хўжалик раҳбарларининг имкониятлари йўқ. Шунинг учун келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирларини яратиш зарур. Бунда даставвал нодавлат мулкчилигига асосланган турли хилдаги кичик, ўрта корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу орқали қишлоқ ҳудудларида қўшимча иш жойлари ташкил этилиб, маҳсулотларни сотишда эркин бозорни шакллантириш таъминланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маҳсулотларини (рақобатбардош бўлса) эркин сотиш имкониятларини кенгайтириш, бу жараёни соддалаштириш керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган маҳсулотларни сотишга Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам беришлари зарур. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарида бозорни ўрганиб, савдо-сотиқ ишларини ривожлантирадиган маркетинг бўлимлари ташкил этиб, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариши самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида етиштирган маҳсулотларининг маълум қисмини ўз такрор ишлаб чиқариши учун уруғликка, кўчат

етиштиришга, емга, озуқага сарфлайди, ишчи-хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иш ҳақи эвазига, умумий овқатланишга беради. Буларнинг ҳаммаси ҳозирча таннаҳда берилади. Ҳозирги даврда хўжаликлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иқтисодий ночор оилаларга, кексаларга, болалар уйларига ҳайрия шаклида ҳам ўз маҳсулотларини бермоқдалар. Бундай муносабатларда хўжаликлар даромад олмайдилар.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик тармоқларини тез суръатларда ривожланиши етиштирилган маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошишини таъминлаган.

Юқорида таъкидланганидек, оптималлаш жараёнларида Мухторжон ерлари фермер хўжалиги кенгайди. Фермер хўжалигининг кенгайишига сабаб унинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

4. Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили

Меҳнат унумдорлиги - ривожланиб боровчи кўрсаткичдир. У кўпгина сабаблар ва омиллар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Улардан бир хиллари меҳнат унумдорлиги ошишига ёрдам берса, бошқалари уни пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўсишига меҳнат жараёни кечадиган шароит ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шарт-шароитлар қулай бўлса, у ёки бу омилнинг таъсир этишини кучайтиради ёки ноқулай бўлса, бу таъсирни заифлаштиради. Масалан, табиий-иқлим шароитлари ва фонд билан қуролланганлик даражаси фермер хўжалигидаги меҳнат натижаларига ва унинг унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар бошқа тенг шароитда ҳам меҳнат унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигининг даражасини баҳолашда албатта пахта ва ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашдан бошлаш керак деб ўйлаймиз.

Шу нуқтаи назардан Мухторжон ерлари фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини ва моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликка эришишга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича ўрганиб чиқдик. Фермер хўжалиги табиий иқлим, ер шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб асосан пахта ва дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат буюртмаси асосида пахта ва бугдой учун шартномавий муносабатлар

асосида фаолият ташкил этилган бўлиб, аввало хўжаликда асосий экин хисобланган пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги охирги уч йил мобайнидаги бу соҳадаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар атрофлича ўрганиб чиқилди.

5-жадвал

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 йилда 2010 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	41	40	41	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	32,5	33,5	32,7	100,6
3	Ялпи хосил	ц	1332,5	1340,0	1340,7	100,6
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	58802,0	66804,8	90782,0	154,4
	Шундан иш хаки	м.с	17229,0	19106,2	26689,9	154,9
5	Ходимлар сони	нафар	36	34	36	100,0
6	Ялпи махсулот	м.с	64066,7	71887,0	105698,4	165,0
7	Фойда	м.с	5264,7	5082,2	14916,4	283,3
9	1ц пахтани таннархи	сум	44129,1	49854,3	67712,4	153,4
10	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	48080,1	53647	78838,2	164,0
11	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1562,6	1797,2	2578,0	165,0
	б) фойда	м.с	128,4	127,1	363,8	283,3
12	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1779,6	2114,3	2936,1	165,0
	б) иш хаки	м.с	478,6	561,9	741,4	154,9
13	Рентабеллик	%	9,0	7,6	16,4	+7,4

5-жадвалда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари

тахлил этилган. Жадвалда маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда хўжаликда пахта етиштириш бўйича ҳам самарадорлик бир мунча кўтарилган бу рентабеллик даражасини 9 фоиздан, 16,4 фоизга ёки +7,4 даражага ўсганлиги билан асосланади.

Хўжаликда ер бирлиги ва ходимларга тўғри келадиган барча иқтисодий кўрсаткичлар охириги уч йилда бир мунча яхшиланган.

1 гектар пахта майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 165,0 фоизга ва фермер фойдаси ва 283,3 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 165,0 фоизга ҳамда иш ҳақи 154,9 фозга кўтарилган.

Лекин, рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан анча пастдир, уни камида 30-35 фоизга кўтариш керак. Акс ҳолда, хўжалик пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди. Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалиги ўзи етиштирган пахта хом ашёсини сотишдан олган фойдаси ҳисобидан ўз ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий ва маданий иншоотларни барпо этиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондларини амалдаги меъёрларга мос ҳолда шакллантира олиши лозим. Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик пахтачиликни жадал ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади.


Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча ҳаражатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб

чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта етиштириш жараёнида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини 1-чизма ёрдамида кўриб чиқамиз.

1-чизма

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари



Чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичларидан бири бўлган пахтачиликда 1 ходим ҳисобига тўғри келувчи ялпи маҳсулот миқдори 2010 йилдаги 1779,6 минг сўмдан 2012 йилда 2936,1 минг сўмгача етган ёки 65% га ортган. 1 ходим ҳисобига тўғри келувчи иш ҳақи эса 2010 йилдаги 478,6 минг сўмдан 2012 йилда 741,4 минг сўмгача етган ёки 54,9% га ортган.

6-жадвалда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида давлатга сотилган жами пахта хом ашёсини саноат навлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини бирламчи саноат

навининг биринчи синфга сотган пахтасини хажми 74,5 фоиздан, 90,3 фоизга яъни 15,8 фоизга ортган. Бу фермер хўжалигига қўшимча даромадлар олиш асосида самарадорликни янада яхшиланишига имконият яратган.

6-жадвал

**Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида
давлатга сотилган жами пахта хом ашёсини саноат навлари бўйича
тақсимланиши**

Сотиш навлари	Синфлар	2010 й		2011 й		2012 й	
		мик- дори, ц	%	мик- дори, ц	%	мик- дори, ц	%
I	1	992,7	74,5	1049,2	78,3	1210,7	90,3
	2						
	3						
	Жами						
II	1	95,9	7,2	163,5	12,2	97,9	7,3
	2						
	3						
	Жами						
III	1	65,3	4,9	89,8	6,7	32,2	2,4
	2						
	3						
IV	1						
	2						
	3						
V	1	178,6	13,4	37,5	2,8		
	ХАММАСИ	1332,5	100	1340,0	100	1340,7	100

2011-2012 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Теримни отряд усулида олиб бориш ташкил қилинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2012 йилда 90,3% қисми ёки 1210,7 ц пахта 1-навга, қолган 7,3% қисми ёки 97,9 ц пахта 2-навга топширилган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида охирги уч йил мобайнида Андижон-35 пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан

илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юкоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта етиштиришни 15-20% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юкорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур. Бундан кўриниб турибдики хўжаликда пахтадан юқори ва сифатли маҳсулот олиш учун қилаётган ҳаракатлари яхши натижалар берган. Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий ҳаражатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа ҳаражатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш ҳаражатлари нинг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.

Энди биз шу Низомга асосан пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳаражатларини бевосита Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалиги мисолида 7-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳаражатлардаги моддий ҳаражатларнинг улуши бироз кўтарилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби моддий ҳаражатлар таркибига пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи

мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

7-жадвал

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

№	Харажатлар тури	2010 й.		2011 й.		2012 й.	
		м.с	%	м.с	%	м.с	%
1.	Моддий харажатлар	26166,9	44,5	29060,1	43,5	44120,1	48,6
	а) уруглик	2244,4	3,8	2295,8	3,4	6738,2	7,4
	б) ўғитлар	12936,4	22,0	14257,7	21,3	20135,5	22,2
	в) Ё.М.М	7748,6	13,2	8749,1	13,1	10712,3	11,8
	г) иш ва хизматлар	2575,5	4,4	2316,3	3,5	5628,5	6,2
	д) бошқа моддий харажатлар	705,6	1,2	1469,7	2,2	907,8	1,0
2.	Мехнат хаки харажатлари	19345,9	32,9	19207,0	28,8	23603,3	26,0
3.	Ижтимоий ажратмалар	4836,5	8,2	4777,7	7,2	5900,8	6,5
4.	Асосий восита лар ва номод дий активлар ни эскириши	5762,6	9,8	5344,4	8,0	7171,8	7,9
5.	Бошқа харажатлар	2704,9	4,6	8417,4	12,6	9986,0	11,0
	Жами	58802,0	100	66804,8	100	90782,0	100

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта етиштириш таннархи таркибида механизация хизматлари сарфи 4,4-6,2%ни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам техника ва ёқилғи сарфини камайитириш махсулот даромадини оширишда таъсир кўрсатадиган амалдир. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, пахтачилик соҳасида ерга ишлов бериш техникасидан фойдаланиш фермернинг даромадининг 10-15 фоизга ортишига олиб келади. Жумладан, ерни чуқур оғдариб ҳайдалмасдан

отвалсиз тунар билан хайдаш ҳисобига ёқилғи сарфи 2 техниканинг иш унумдорлиги эса 1,5 баробаригача ортиши мумкин

Маълумки пахтачиликда махсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши, уларни қўллашда аниқ асосланган меъёрларга амалга қилишга боғлиқ.

Бизга яхши маълумки, пахтачиликда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл қўйишда, моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик, унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ҳосилдорликни инобатга олмай, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар сарф қилишга сабаб бўлмоқда. Натижада ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда ишловчи хўжаликлар йил якуни бўйича зарар кўришига олиб келади.

8-жадвал. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида бўғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2010 й	2011 й	2012 й	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	23,2	24,2	23,2	100,0
2	Ҳосилдорлик	ц/га	46,1	57	57,7	125,2
3	Ялпи ҳосил	ц	1069,52	1379,4	1338,64	125,2
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	25611,4	35825,9	35431,4	138,3
	Шундан иш хаки	м.с	5865,0	8705,7	8220,1	140,2
5	Ходимлар сони	нафар	4	4	5	125,0
6	Ялпи махсулот	м.с	30695,7	44518,9	47964,0	156,3
7	Фойда	м.с	5084,3	8693,0	12532,6	246,5
9	1ц бўғдойни таннархи	сум	23946,6	25972,1	26468,2	110,5
10	1ц бўғдойни сотиш баҳоси	сум	28700,4	32274,1	35830,4	124,8
11	1 га ҳисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1323,1	1839,6	2067,4	156,3
	б) фойда	м.с	219,2	359,2	540,2	246,5
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи махсулот	м.с	7673,9	11129,7	9592,8	125,0
	б) иш хаки	м.с	1466,3	2176,4	1644,0	112,1
13	Рентабеллик	%	19,9	24,3	35,4	+15,5

8-жадвалда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилиб борган. Яъни буғдой ишлаб чиқаришнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик 19,9 фоиздан 35,4 фоизга ёки +15,5 даражага кўтарилган. Бунинг асосий сабаби ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларига караганда устун даражада ўсишидир.

Хўжаликда ер бирлиги ва ходимларга тўғри келадиган барча иқтисодий кўрсаткичлар охириги уч йилда бир мунча яхшиланган.

1 гектар буғдой майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 56,3 фоизга ва фермер фойдаси 2,46 мартага ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 25 фоизга ҳамда иш ҳақи 12,1 фоизга кўтарилган.

Ундан ташқари фермер хўжалигини бошқа хусусий кўрсаткичлар ҳам охириги уч йилда кескин яхшиланган. Жумладан, бир ходим ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати 25% га ошган. Лекин, Мухторжон ерлари фермер хўжалигини буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги ҳали талаб даражасидан паст.

Уни камида 55-60 фоизга кўтариш чораларини кўриш керак. Акс ҳолда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга тўла эга бўлмайди. Бизга яхши маълумки, буғдой етиштиришда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл қўйишда, моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик, унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ҳосилдорликни инобатга олмай, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар сарф қилишга сабаб бўлмоқда. Натижада ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда ишловчи хўжаликлар йил якуни бўйича зарар кўришига олиб келади.

9-жадвалда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган.

9- жадвал

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби

№	Харажатлар тури	2010 й.		2011 й.		2011 й.	
		м.с	%	М.с	%	м.с	%
1.	Моддий харажатлар	15565,3	60,8	20608,9	57,5	20656,5	58,3
	а) уруғлик	3355,1	13,1	4549,9	12,7	5031,3	14,2
	б) ўғитлар	4251,5	16,6	6484,5	18,1	5633,6	15,9
	в) Ё.М.М	3380,7	13,2	4657,4	13	4287,2	12,1
	г) иш ва хизматлар	4123,4	16,1	4621,5	12,9	4535,2	12,8
	д) бошқа моддий харажат	461,0	1,8	394,1	1,1	1311,0	3,7
2.	Мехнат хаки харажатлари	5865,0	22,9	8705,7	24,3	7688,6	21,7
3.	Ижтимоий ажратма	1466,3	5,7	2176,4	6,1	1922,2	5,4
4.	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	1152,5	4,5	1719,6	4,8	1523,5	4,3
5.	Бошқа харажатлар	1562,3	6,1	2615,3	7,3	1877,9	5,3
	Жами	25611,4	100	35825,9	100	35431,4	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда охириги 3 йилда ишлаб чиқариш харажатлардаги моддий харажатларнинг улуши анча кўтарилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби моддий харажатлар таркибига буғдой ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

Уруғлик учун харажатлар 2010 йилда 33555,1 минг сўм, 2012 йилда 5031,3 минг сўмни ташкил қилиб, мос даврлардаги умумий харажатларда 13,1-14,2 фоизни ташкил қилган.

Нефт базаси билан ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш жараёнида ерни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби кўрсатиладиган техник хизматлар учун маълум миқдорда ёқилғи сарфланади. Моддий харажатлар таркибида ёқилғи учун сарфланган харажатлар 2010 йилда 3380,7 минг сўмдан 2012 йилда 4287,2 минг сўмга етган. Ёқилғи-мойлаш материалларининг жами буғдой етиштириш харажатларидаги салмоғи таҳлил даврида 13,2-12,1 фоизни ташкил этган.

Меҳнат ҳақи харажатлари ҳам жами ишлаб чиқариш харажатларининг 22-23 фоизи атрофида сақланиб турибди. Таҳлил даврида Мухторжон ерлари фермер хўжалигида жами 5865 минг сўм ва 7688,6 минг сўм иш ҳақиға ажратилган.

Мухторжон ерлари фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари бўйича 2010 йилга нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорирок даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган. Жами ишлаб чиқариш харажатларини етиштирилган ялпи ҳосил миқдориға бўлиш натижасида бир центнер буғдой ҳосилининг таннарни келиб чиқади. Ўзбекистон фермер хўжалигида бир центнер буғдой таннарни кўрсаткичи 2010 йилда 23946,6 сўм ва 2012 йилда 26468,2 сўм миқдориға тўғри келади.

Мазкур ҳолат Ўзбекистон фермер хўжалигида барча ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилона сарфланганлигини ва шунинг натижасида ижобий 35,4% лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

5. Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари

Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамикасига кўпгина омиллар таъсир қилади. Омиллар деганда меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабаблар тушунилади. Улардан айримлари меҳнат унумдорлигининг ортишига ёрдам берса, бошқалари унумдорликнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Омилларнинг биринчи гуруҳига меҳнат воситаларининг самарасини ортиши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашлар ижтимоий гуруҳлари шароитининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар киради; иккинчи гуруҳи - табиий шароитларнинг ноқулай таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий шароитдаги салбий элементларнинг таъсир кўрсатиши киради.

Мухторжон ерлари фермер хўжалигида ишлаётган ҳодимлар сонини таҳлил қиладиган бўлсак 2010 йилдаги 40 нафардан 2012 йилда 41 нафарга етган ёки 2,5% га ошган. 2012 йил ҳолатига 64,2 гектар экин майдонидаги жами 41 нафар ҳодимлардан 36 нафари ёки 87,8% қисми пахтачиликда, қолган 5 нафари ёки 12,2% қисми эса ғаллачиликда иш билан банд.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва тартибга солинади.

Фермер хўжалигини олий маълумотли агроном Маткобулов Хайдарали таъсис этган ва ҳозиргача бошқариб келмоқда. Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини агротехник, ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги массивда ва туманда ўз муносиб обрўсига эга. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳақидаги батафсил маълумотлар 10-жадвалда келтирилган.

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигини аъзолари ва
уларнинг таркиби тугрисида маълумот

№	Аъзоларнинг фамилияси ва исми	Тугил- ган йили	Маълу- моти	Касби	Иш стажи	Фермер хўжалиги бошлигига кариндош- уруғчилик алокаси	Қўшимча эгаллаган касби
	Аъзолари:						
1	Маткобулов Хайдарали	1966	олий	ферм/хўж бошлиғи	25	ферм/хўж бошлиғи	агроном энтомолог
2	Улугбеков Акмал	1977	ўрта- махсус	бухгалтер	14	жияни	тадбиркор
3	Умаров Комил	1987	ўрта	тракторчи	3	ўғли	-
4	Кобилова Мамнуна	1988	ўрта	ишчи	3	келини	
5	Давронов Нозим	1979	ўрта	ишчи	10	жияни	сваршик
6	Махмудов Носир	1975	ўрта	сувчи	14	жияни	-
	Шартнома асосида ишлаётганлар						
7	Машарипова Мохи	1986	ўрта	ишчи	7	-	чевар
8	Имомова Назира	1964	ўрта	ишчи	15	-	ҳамшира
9	Исломова Назокат	1982	ўрта	ишчи	8	-	чевар
10	Бахромов Собир	1979	ўрта	сувчи	10	-	дурадгор
11	Сулаймонов Умар	1964	ўрта	ишчи	15	-	-
12	Рахмонов Ойбек	1979	ўрта	ишчи	10	-	-
13	Камилов Хошим	1975	ўрта	ишчи	14	-	-
14	Паттаев Шухрат	1982	ўрта	ишчи	8	-	-
15	Салимов Баходир	1979	ўрта	ишчи	10	-	дурадгор
16	Очилов Носир	1979	ўрта	ишчи	10	-	-
...	...	...	...	...	...	...	...
40	Каримов Дилшод	1975	ўрта	ишчи	14	-	-
41	Уринбоев Ботир	1982	ўрта	ишчи	8	-	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг аъзолари ўз фаолият тури бўйича тегишли маълумотга эга бўлмасада, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича маълум тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фермер хўжалигининг 6 нафар аъзоси бўлиб, қолган барча ишчилар 1 йиллик шартнома асосида меҳнат қиладилар.

Мухторжон ерлари фермер хўжалиги ҳисобчиси Улугбеков Акмал бўлиб, у фермер-бошлиқнинг жияни. Маълумоти олий, стажи 14 йилни ташкил этади. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга интилоқдалар.

Фермер хўжалиги даражасидаги меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамикасига таъсир этувчи омилларни қараб чиққанда, уларнинг ҳаммасини ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.

Ички омилларга хўжаликнинг қишлоқ хўжалиги техникалари билан қуролланиш даражасини, қўлланилаётган технологиянинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланиши даражаси, татбиқ этилаётган рағбатлантириш тизимларининг таъсирчанлиги, кадрларни танлаш ва малакасини ошириш каби хўжаликнинг бошлиғига боғлиқ бўлган барча нарсалар киради.

Ташқи омилларга давлат буюртмалари ва бозордаги талаб ҳамда таклифларнинг ўзгариши муносабати билан маҳсулот хиллари ва уларнинг сермеҳнатлик даражасининг ўзгариши; жамият ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари; меҳнатнинг кооперациялашув даражаси, моддий-техника таъминоти, табиий шарт-шароитлар ва ҳоказолар.

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни 10-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Бунда охириги уч йилда хўжаликдаги мавжуд ишчиларнинг меҳнати туфайли яратилган ялпи маҳсулотни баҳоланади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун пахта ва ғалла ялпи маҳсулотини мавжуд

ходимлар сонига бўламиз. Меҳнат унумдорлиги бу ерда қиймат кўрсаткичи сифатида минг сўм ҳисобида ўлчанади.

11-жадвал

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2010 й	2011 й	2012 й	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Ялпи махсулот	м.с	94762,4	108751,7	147563,0	155,7
2	Ходимлар сони	нафар	40	38	41	102,5
3	Меҳнат унумдорлиги	м.с	2369,1	2861,9	3599,1	151,9

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, пахта ва ғалланинг ялпи маҳсулоти миқдори 2010 йилдаги 94762,4 минг сўмдан 2012 йилда 147563 минг сўмгача ўзгарган ёки 55,7% га ошган. Хўжаликда иш ҳажмининг бир оз ошиши ҳисобига ходимлар сони ҳам шу таҳлил даврида 40 тадан 41 тагача етган ёки 2,5% га ошган. 1 та меҳнат ресурсига тўғри келувчи ялпи маҳсулот кўринишида ҳисобланган меҳнат унумдорлиги эса 2010 йилдаги 2369,1 минг сўмдан 2012 йилда 3599,1 минг сўмгача ўзгарган ёки 51,9% га ошган.

Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини у жойлашган Балиқчи туманидаги жами 263 та фермер хўжаликларининг ўртача кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил қилиш учун 12-жадвалдан фойдаланамиз.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мазкур хўжаликда Балиқчи туманидаги жами фермер хўжаликларидаги пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқори

натижаларга эришилган. Жумладан 1 ц пахтани сотиш бахоси туманнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан 102,4% ни ташкил этади. Бунинг сабаби сифатида эса етиштирилган пахтанинг юқори 1- ва 2-навларганига сотилиши хисобланади. Асосий таққослама кўрсаткичлардан бўлган 1 центнер пахтанинг таннархи Мухторжон ерлари фермер хўжалигида 97,6% ни ташкил қилади.

12-жадвал

Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахтачиликдаги меҳнат унумдорлигини Балиқчи туманининг 2012 йилдаги ўртача кўрсаткичлари билан таққослама таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Балиқчи тумани	Мухторжон ерлари фермер хўжалиги	Туманга нисбатан %
1	Экин майдони	га.	10472	41	0,043
2	Хосилдорлик	ц\га	33,7	32,7	97,0
3	Ялпи хосил	ц	352650	1340,7	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	24477000	90782,0	X
5	Шундан: иш хаки	м.с	7612347	26689,9	X
6	1ц пахтани таннархи	сум	69400	67712,4	97,6
7	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	77000	78838,2	102,4
	Ходимлар сони	нафар	9830	36	0,041
8	Ялпи маҳсулот	м.с	27169000	105698,4	X
9	Фойда	м.с	2692000	14916,4	X
10	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2594	2578,0	102,4
11	б) харажат	м.с	2337	2214,2	94,7
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2763,9	2936,1	106,2
	б) иш хаки	м.с	774,4	741,4	95,7
13	Рентабеллик	%	11	16,4	+5,4


Таққослаш мумкин бўлган яна бир кўрсаткичи 2012 йилда 1 гектар хисобига олинган ялпи маҳсулот Мухторжон ерлари фермер хўжалигида 2,4% га кўпроқ. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичларидан бири бўлган 1 ходим хисобига олинган ялпи маҳсулот эса Мухторжон ерлари фермер

хўжалигида 6,2% га кўпроқни ташкил этган.

Жадвал маълумотларидан яна кўриниб турибдики, Мухторжон ерлари фермер хўжалигида рентабеллик даражаси бир оз баландроқ. Иқтисодий самарадорликнинг якуний ва асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси эса Балиқчи туманида ўртача 11,0% ни ташкил этган 2012 йилда Мухторжон ерлари фермер хўжалигида 16,4% ни ташкил этган. Демак Мухторжон ерлари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларига ва мос ҳолда таннархга нисбатан ялпи маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши таъминланган. Шунинг ҳисобига ердан фойдаланишда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик юқори даражада. Илғор фермер хўжаликлардан бири бўлган бу хўжаликда ҳам пахта етиштиришнинг оптимал рентабеллик даражасига эришиш зарур.

Фермер хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ошириш омилларини ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра, учта гуруҳга бўлиш мумкин: моддий-техника, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий асоси фан, техника ва технологияни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Шунинг учун ҳам **моддий-техника омиллари** гуруҳини, одатда, етакчи ва қолган барча омилларни белгиловчи гуруҳ деб қаралади.

2-чизма. Фермер хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари



Меҳнат унумдорлигини оширишнинг **моддий-техника омилларига**

фан-техника тараққийтини узлуксиз ривожлантириш асосида меҳнатнинг техника ва энергия билан таъминланишини ошириш киради. Қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш учун чопиқ ва транспорт тракторлари, уларнинг культиватор, плуг, чизел, ўғит солгич ва ариқ қазигич каби агрегатларининг, суғориш учун сув насослари ва лоток-арикларнинг ҳамда буғдой ўриш учун комбайннинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ниҳол фермер хўжалигида ҳозиргача чопиқ трактори ва культиватор агрегати, прицеп мавжуд. Моддий-техника таъминотини яхшилаш учун юқоридаги агрегатлар ва комбайнни лизинг асосида олишга эришиш керак. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш; бутунлай янги технологияларнинг яратилиши (улар ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишни таъминлайди ва жонли меҳнат сарфини кескин қисқартиради); ишлаб чиқаришга материал сарфланишининг пасайиши ва моддий ресурсларнинг тежалиши ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий-техника омилларига киради. Моддий - техника омиллари таъсири натижасида меҳнат унумдорлиги ортади ва маҳсулотнинг сермеҳнатлик даражаси пасаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир **ташкилий омилларига** фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фойдаланиш учун кейинчалик кооперациялашуви; моддий-техника, энергия таъминоти, таъмирлаш хизмати кўрсатиш ва ҳоказолар катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари бизнес-режаларни такомиллаштириш; ишлаб чиқаришни ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлашни ташкил этиш; янги технологияларни ўз вақтида жорий қилиш; машиналар, механизмларни жорий ва капитал таъмирлашни таъмин этиш, шунингдек, фермер хўжалигида моддий-техника таъминотини тўғри ташкил этиш.

Барча ташкилий омиллар бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг ягона тизимини ҳосил қилади. Улардан тўлиқ фойдаланмаслик, турли ташкилий

камчиликларнинг мавжуд бўлиши асосан иш вақтидан фойдаланишда ўз таъсирини кўрсатади.

Ташкилий омиллар тизимида Мухторжон ерлари фермер хўжалигида кадрлар таркибининг яхшиланиши - бошқарув ходимлари сонининг нисбий қисқариши ва ходимлари умумий сониди ишчилар салмоғининг ортиши муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бевосита фермер хўжалиги бошлиғининг ўзи ҳам пахта етиштириш агротехник тадбирларини бажаришда қатнашиши керак. Ходимлари умумий сониди ишчилар салмоғи қанчалик юқори бўлса, битта ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг меҳнат фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи - муайян натижани қўлга киритишга бўлган қизиқишдир. У ўз навбатида ишлаб чиқариш иштирокчилари бўлган инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш қатнашчилари муайян меҳнат фаолияти натижасини қўлга киритишга интилиши билан бир қаторда етарли даражадаги меҳнат қобилиятига, ишбилармонлик ва шижоаткорлик каби зарур шахсий сифатларга эга бўлишлари, шунингдек, тадбиркор бўлишлари лозим.

Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик;
- ходимларнинг малака даражаси, уларнинг касбий тайёргарлиги сифати
- меҳнатга муносабат ва меҳнат интизоми даражаси;
- меҳнат жамоалари ўз-ўзини бошқаришининг ривожланиши.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири тупроқ унумдорлигини оширишдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим

муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ечишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Агарда бу муҳим тadbир фермер хўжаликларига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати етмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссдорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг моддий техника таъминотини яхшилаш, махсус маълумотли ходимларнинг салмоғини ошириш, ердан самарали фойдаланиш, минерал ўғитлардан илмий асосланган тартибда фойдаланиш каби бир қатор имкониятларни ишга солиш зарур.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реал аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида ердан фойдаланишда ишлаб чиқариш ҳаражатлари асосан меъёр даражасида сарфланган бўлиб, унинг таркиби ва салмоғини ўзгартириш илмий асосланган агротехниканинг бузилишига ва ҳосилдорлик ҳамда ялпи ҳосил кўрсаткичларининг ёмонлашиб, пасайишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун ички имкониятларни

ишга солиш талаб этилади.

Аввало хўжалик жойлашган ҳудуддаги тупроқ бонитет балига мос ҳолдаги пахта ва буғдой ҳосилдорлиги даражасига эришиш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги механизациялашган ишлар учун сарфланаётган харажатларни қисқартириш учун лизинг асосида ҳайдов трактори қўшимча агрегатларни олиш керак.

Хўжалик ходимларининг манфаатдорлигини ошириш натижасида ҳам кўпроқ эътибор сабабли ялпи ҳосил ва ўз навбатида ялпи маҳсулот миқдори анча ортади. Бунинг учун олинган буғдой ҳосилидан иш ҳақи сифатида янада кўпроқ миқдорда тарқатилиши керак. Мухторжон ерлари фермер хўжалиги истиқболда ривожланишни мақсад қилган ҳолда махсус дастур тузиш зарур.

Пахта ва буғдой етиштиришнинг агротехник талабларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти объектив қонуният асосида ўсиб борадиган ишлаб чиқариш харажатларини сарфлашни тақозо этади. Шундай экан, ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулот миқдорини харажатлардан юқорироқ даражада ўсиб боришига эришиш фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириб боришнинг асосий омилидир.

Маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини юксалтириш учун ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун меҳнатни оқилона ташкил этиш, ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш ва ташиш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак.

Пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида хўжаликларда фаолият кўрсатаётган барча аъзоларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини

бозор талаблари асосида тубдан ўзгартириш лозим. Яъни, улар маҳсулот етиштириш, йиғиштириб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни вақтида, оқилона амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Юқорида таъкидланган барча тадбирлар вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида пахта ва ғалла маҳсулотлари миқдори кўпайиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалиши таъминланади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга амал қилишдир. Бундан ташқари хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, хўжалик экин майдонларига солиш керак.

Ҳосилнинг турли касаллик ва зараркунандалар томонидан нобуд бўлишига йўл қўймаслик зарур. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматидан унумли фойдаланиш зарур.

Мухторжон ерлари фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги бўйича олий ёки ўрта-маҳсус маълумотли мутахассислар салмоғини оширишга ҳаракат қилиш керак. Хўжаликка маҳсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим. Хўжаликнинг айланма маблағларини кўпайтириш, кредит олмасдан ўз фаолиятига яраша маблағларни ишлаб топиш зарур.

Меҳнат унумдорлиги бевосита ялпи маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлгани учун ердан самарали фойдаланиб зах, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш; янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш; илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш керак. Сув билан таъминланиш даражасини яхшилаш керак.

Мухторжон ерлари фермер хўжалиги истиқболда ривожланишни мақсад қилган экан, унинг ер майдонларини янада кенгайтириб, камида 100 гектарга етказиш зарур.

Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан

боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш уларнинг моддий манфаатдорлик сабабли ерга ўзгача меҳр билан ишлов беришга, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишга олиб келади.

Хўжалик бошлиғи фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларидан хабардор бўлган ҳолда харажатларни оқилона тақсимлаш керак. Харажатлар таркибида ўз техникалари билан бажариладиган механизациялашган ишлар салмоғини ошириш керак. Бунинг учун хўжаликка лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникалар сотиб олишга эришиш зарур.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини 30-35% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган меҳнат унумдорлигини ошириш дастури тузиш тавсия этилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Меҳнат ресурслари - бу ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилардир.

Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ходимлар сони ва улар орасидаги махсус маълумотлилар салмоғи, Ходимларнинг асосий ва айланма фондлар билан қуролланганлиги, 1 ходим ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот, 1 бирлик меҳнат ҳаражатлари эвазига яратилган ялпи маҳсулот кабилар ҳисобланади. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш ҳаражатлари эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Балиқчи туманида фаолият кўрсатаётган Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

1. Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охирги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва буларнинг натижасида 21,7% лик рентабелликка эришаётганлиги ижобий натижаларни таъминламоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги ПФ-3287 сонли «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган кенг кўламли ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2009 йил ноябр ойида бутун Ўзбекистон бўйича ўтказилганидек, Балиқчи туманида ҳам фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. Ушбу жараёнда Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг кўрсаткичлари ижобий баҳоланиб, унга қўшни бўлган фермер хўжалигининг ерларини қўшиб олиб, 2010 йилдан 68,7 гектарли ер майдонида фаолият кўрсатишни бошлади.

3. Мухторжон ерлари фермер хўжалигида пахта етиштиришда 2010-2012 йилларда иқтисодий самарадорлик анча яхшиланган. Рентабеллик ошишининг омили – бу ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 9,0% дан 16,4%гача ортган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

4. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2012 йилда 35,4% га етган. Мухторжон ерлари фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришда барча ишлаб чиқариш ҳаражатларини режалаштирилган ҳолда сарфланган. Аммо рентабеллик кўрсаткичи такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун етарли бўлмай, уни 50-55%ли даражага кўтариш керак.

5. Мухторжон ерлари фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги бўйича олий ёки ўрта-махсус маълумотли мутахассислар салмоғини оширишга ҳаракат қилиш керак. Хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб

қилиш лозим. Хўжаликнинг айланма маблағларини кўпайтириш, кредит олмасдан ўз фаолиятига яраша маблағларни ишлаб топиш зарур.

6. Меҳнат унумдорлиги бевосита ялпи маҳсулот миқдorigа боғлиқ бўлгани учун ердан самарали фойдаланиб зах, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш; янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш; илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш керак. Сув билан таъминланиш даражасини яхшилаш керак.

7. Мухторжон ерлари фермер хўжалиги истиқболда ривожланишни мақсад қилган экан, унинг ер майдонларини янада кенгайтириб, камида 100 гектарга етказиш зарур.

8. Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш уларнинг моддий манфаатдорлик сабабли ерга ўзгача меҳр билан ишлов беришга, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишга олиб келади.

9. Хўжалик бошлиғи фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларидан хабардор бўлган ҳолда ҳаражатларни оқилона тақсимлаш керак. Ҳаражатлар таркибида ўз техникалари билан бажариладиган механизациялашган ишлар салмоғини ошириш керак. Бунинг учун хўжаликка лизинг асосида ҳайдов трактори ва қўшимча агрегатларни сотиб олишга эришиш зарур.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Мухторжон ерлари фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини яна 30-35% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш дастури тузиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари

- миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-3512-сон фармойиши.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).
16. И.А.Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
17. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
18. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
19. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.
20. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
21. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил

22. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2010 йил
23. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузаси. 19.01.2012й.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» Халқ сўзи 18.01.2013.
25. О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005
26. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.
27. Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.
28. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (дарслик). Тошкент, 2004.
29. Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. -Т.: ТДИУ, 2002. - 230 б.
30. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазаев Б.Ч. Меҳнат бозори. (Ўқув қўлланма.) - Тошкент, ТДИУ. 1999. - 100 б.
31. Абдурахмонов Қ.Х., ва бошқалар Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 2001 й.
32. Г.Давлатова. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. - Фарғона, 2006
33. Р.Исмамов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. –Наманган, 2005
34. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси.

Самарқанд, 2002.

- 35.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
- 36.Н.Ўронов. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил.
- 37.Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
- 38.Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Мехнат» 1998 йил.
- 39.О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
- 40.О' .P.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
- 41.О' .P.Umrzaqov va b. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejment (darslik). – Т.: 2010.
- 42.М.Mirzaabdullaeva. Fermer xo'jaligi faoliyatini huquqiy tartibga solish. – Т.: Yangi asr avlodi, 2011.
- 43.Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
- 44.Додобоев Ю.Т. ва б. Фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: 2005 (Қувасой).
- 45.Р.Ҳакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
- 46.Б.Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004.
- 47.www.ziyonet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
- 48.www.agro.uz -Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги веб-сайти
- 49.www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитаси.
- 50.Балиқчи туманидаги Мухторжон ерлари фермер хўжалигининг 2010-2012 йиллардаги статистик ва молиявий ҳисоботлари.